

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Норметов Тоҳиржон Хамитович

Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юрти

Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, доцент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қуролли Кучларимиз ва унинг бошқа таркибий қисмларида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириши, барча бўғиндаги комондирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаши, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун маъсулият ҳисси билан яшаши ҳамда жамоаларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш усуллари ёритилган.

Калит сўзлар: *позиция, маънавият, ҳуқуқ, жиноят, суиқасд, ислоҳ, стандарт, технология, стратегия, интизом, усул, восита.*

ABSTRACT

In this article, further improvement of the spiritual and political training of military personnel in the Armed Forces and its other components, the activity of commanders at all levels should educate officers, sergeants and soldiers of high moral and ethical qualities, an active life position and patriotism, live with a sense of responsibility for the fate of the country, and methods of strengthening military discipline in communities are highlighted.

Keywords: *position, morality, law, crime, assassination, reform, standard, technology, strategy, discipline, method, tool.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье дальнейшее совершенствование духовно-политической подготовки военнослужащих в Вооруженных Силах и других ее компонентах, деятельность командиров всех уровней должна воспитывать у офицеров, сержантов и солдат высокие морально-этические качества, активную жизненную позицию и освещены патриотизм, жизнь с чувством ответственности за судьбу страны, методы укрепления воинской дисциплины в общинах.

Ключевые слова: *позиция, мораль, закон, преступление, убийство, реформа, стандарт, технология, стратегия, дисциплина, метод, инструмент.*

КИРИШ

Муҳтарам Президентимизнинг раҳнамоликлари, бевосита ташаббуслари ва кўп йиллик меҳнатлари натижасида ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали хал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўламли ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда, босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ишда мудофаа қурилишининг норматив-ҳуқуқий базасини замонавий демократик нормалар ҳамда стандартларни инобатга олган ҳолда ҳар тарафлама такомиллаштириш, соҳага оид қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўлланиш амалиётини мукамаллаштириш муҳим йўналишга айланди.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва ҳаракатларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш-яратиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди.

Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шавкат Мирзиёевнинг қайд қилишича, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг профессионал маҳорати ва обрў-эътибори жаҳон миқёсида юксалиб бормоқда.¹

Шу асосда мамлакат ҳарбий-илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинлар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишга янада улкан аҳамият қаратилишини таъкидлади.²

Миллий манфаатни барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичига кўтарилди.

¹ Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригидан.

² Шу ердан

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, ва Фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Шу ўринда бугунги тинч, осойишта, фаровон турмуш, ҳаётимизга қандай машаққатли меҳнатлар эвазига эришилаётганлигини билишимиз, буни қадрига етишимиз лозим.

Муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ўзбекистон Қуролли Кучларнинг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида минтақадаги, дунёдаги хавфсизликка оид вазият ва Қуролли Кучларимиз учун бугунги кунда ғоят долзарб ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб “ҳозирги ўта мураккаб вазиятда” “ватан хавфсизлиги ва манфаатларини ишончли таъминлаш” долзарб вазифага айланаётганини таъкилади.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, юртимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш масалалари устувор йўналишлар этиб белгиланди”,- деди давлат раҳбари.

“Миллий армиямизнинг чинакам куч-қудратини белгилаб берадиган кўрқмас ва довюрак ҳарбийларимиз қалбида жанговар руҳни ошириш, уларни ҳар қандай қийинчилик ва синовга чидамли ва матонатли этиб тарбиялаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади”,- дея қайд этди президент.

Унинг сўзларига кўра, “Буюк Амир Темур бобомиз айтганларидек, ғалаба тақдирини аввало қўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий қудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади”.³

Буларнинг барчаси Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришимиз тақоза этади.

Шу борада ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги комондирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаши, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик,

³ Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригидан.

мамлакат тақдири учун маъсулият ҳисси билан яшаши, юртимиз мустақиллигини ва хавсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук фуқаро сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий соҳалари ислоҳ қилинаётган айни пайтда Ўзбекистонда, давлат механизминини, шу жумладан, фуқаролар ҳарбий хизмат ўтайдиган давлат ҳарбий ташкилотини ҳам такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматчилар зиммасига давлат мудофааси ва хавфсизлигига оид вазифаларни ҳал этиш ва шу орқали жамиятимизни ислоҳ қилиш имкониятини таъминлашдек жиддий маъсулият юкланган.

Олдимизда ниҳоятда муҳим ва биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган вазифа, у ҳам бўлса Қуролли Кучларимиз ва унинг бошқа таркибий қисмлари мамлакатимизнинг бугунги талабларига жавоб бериши, ҳар қандай таҳдидларнинг кенг тус олиб кетишига йўл қўймаслик ва таъсирини йўқотишга доир вазифаларни ҳал этишга қодир бўлишида ҳарбий интизом мен ўйламан жуда катта ўрин тутаети.

Эслатиш ўтиш жоизки, “интизом” тушунчасининг лотин тилидаги таржимаси таълим, тарбия маъносини англатади ва ҳаракатлар мослаштирилишида жамиятнинг ҳамма аъзолари учун белгиланган меъёр ва қоидаларга бўйсунуши ифодаланадиган ижтимоий муносабатдир.⁴

Интизом- бу ҳалқ, давлат, армия, катта ва кичик ташкилотлар, ҳар бир шахс фахрланадиган буюк инсоний кадриятдир. Ҳақиқий интизом-бу инсоният маданиятининг, демократик жамиятнинг асосий ташкилий қисми. Ҳалқ фаровонлиги, иқтисоднинг таракқиёти, маданият, мудофаа салоҳияти, шахснинг ҳимояланганлиги, озодлик-бунинг ҳаммаси ижтимоий ва давлат тизимларининг юқоридан пастгача бўлган катламларини камраб олган юқори даражадаги интизомга таянади. Аксинча, жамият ҳаётининг барбод бўлиши, шахслараро алоқаларнинг инқирози ва ижтимоий ҳаётни издан чиқаришнинг бошқа кўпгина жараёнлари интизомнинг бузилишидан бошланади ва интизомнинг заифлашишига, обрўсининг кескин пасайишига, унга жамият фикрининг эътиборсиз бўлишига олиб келаети.

Ҳарбий ташкилот шароитларида ҳарбий интизом муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини юқори интизомлилиги ва тарбиялилиги- давлатимиз ҳудудий яхлитлиги ва

⁴ Ўзбекистон юридик энциклопедияси.2009 й

мустақиллигини ҳимоя қилиш доирасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Интизом Низомининг 1-бандига асосан “Ҳарбий интизом- қонун, ҳарбий интизом ва командирлар буйруқларида белгиланган тартиб ва қоидаларга барча ҳарбий хизматчиларнинг қатъий ва аниқ риоя қилишидир”,- дейилган. У хизматдошлар орасидаги муносабатларни, ҳарбий тартибни сақлашга ундайди ва армиямиз ҳарбий хизматчиларидан катта уюшқоқлик, аниқлик ва чидамлилиқ, ҳамжиҳатлик, барча буйруқларни тезкорлик билан бажарилдишини талаб қилади.

Ҳарбий хизматчининг интизомлилиги унинг машғуллигига, кундалиқ жанговар тайёргарлик жараёнига тўлиқ жалб қилинганлигига, машғулотларнинг зичлигига, кун тартибига риоя қилинишига билим юртининг ижтимоий ҳаёти ва маданий ҳордиқ ишларида қатнашишига тамомила боғлиқдир.

Фақат шундагина унинг барча ҳаёллари ва хатти- ҳаракати, ўзини нима билан машғул қилишга эмас, аксинча, ҳарбий жанговар масалаларни ечишга қаратилган бўлади.

Интизомлилиқни ривожлантиришда командирнинг спортда, турмушда, командир тайёргарлигида ва дала машғулотларидаги намунасининг таъсири катта.

Тажриба, ҳурмат ва ишонч командир, бошлиқни ҳар бир сўзини обрўли ва таъсирчан қилади. Одамларга тўғри таъсир қилиш учун, ҳар қандай пағонадаги офицер-командир, ўзининг шахсий тажрибасига кўра, шошилиш фикр ва хулоса чиқармаслиги керак. Рухшунослар офицерларга ҳар қандай фикрни билдиришдан олдин, уни яхшилаб ўйлаб кўришлари лозимлигини тавсия қиладилар. Чунки у, албатта, бўйсунувчиларнинг хулқ-атворида акс этади. Командир сўзларининг ишончлилиги ва қатъиятлилиги, кундалиқ ҳаёт тажрибаси кўрсатаётганидек, унинг фикрининг тўғри ва аниқлилигига шубҳа қолдирмайди, айниқса жанговар вазиятда.

Бу ерда, албатта, салбий фикрларни ҳам инобатга олиш зарур. Шунингдек, одамлардаги нафрат, аламзадалиқ, гина ва бўйсунувчиларнинг норозиликлари ҳам. Айнан шундай ҳолатлар билан ҳар қандай бўлинма командири шахсий таркибга қаттиқ ҳарбий интизом талабларини тушунтиришда ва амалга оширишда тўкнаш келади.

Интизомлилиқни тарбиялашда интизомий амалиёт рағбатлантириш ва жазолаш чораларининг қўлланиши муҳим ўринни эгаллайди. Бу интизомсизлик

билан курашишнинг кучли воситасидир. Аммо жазолаш ҳукуқи ўткир билим ва юксак маънавий хоҳишга суянган ҳолда қўлланилиши керак.

Ҳарбий хизматчиларда ҳарбий бурчга садоқат, аниқ ватанпарварлик тушунчалари бўлмаса, ҳарбий интизом ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни олиб бориш қийин бўлади.

Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида аниқроқ айтганда, интизомни мустаҳкамлаш бўйича офицерлар таркиби, командирлар фаолиятининг мазмунини биринчидан, бўйсунувчиларда юқори онгли интизомлиликни тарбиялаш, иккинчидан, офицер ва курсантлар ҳарбий жамоаси интизомини шакллантириш, учинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг интизомий ҳатти-ҳаракатлари ва улар томонидан ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилиниши учун моҳир раҳбарликда қулай ташкилий ва моддий шароитларни яратиш ташкил этади⁵.

Бўлинма командирлари, кафедра раҳбарлари ҳар бир ҳарбий хизматчи, ҳар бир курсант, шахс, шунингдек, бутун жамоада ҳаётда синалган, ишонтириш, намуна, машқлар, рағбатлантириш ва мажбур қилиш каби мисоллардан оқиллик билан фойдаланиб ҳарбий хизматчи ва курсантнинг ҳамда жамоанинг интизомини шакллантиради. Инсон билан ўзаро мустаҳкам маънавий алоқада бўлиш, унинг фикрини, қизиқишларини тушуна олиш- бу ўзаро ҳурмат, қарашлар бирлиги ва жамоада соғлом ахлоқий-руҳий муҳит кафолати. Якка тартибдаги тарбиявий ишлар сустрлашган, уни амалга оширишни билмаган, бўйсунувчиларга эътибор бермаган, уларга ўз вақтида керакли насиҳат, тавсиялар берилмаган жойда раҳбариятнинг кўрсатмаларини муҳокама қилиш, салбий фикрлар, миш-мишлар, ҳаёллар вужудга келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидламоқчиманки, Қуролли Кучларимизда интизомни мустаҳкамлаш ва низомга зид муносабатларни ҳамда жиноятчиликни олдини олиш борасида ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз ҳиссасини қўшиши, шу мақсадда Ватан, халқ олдида жавобгарликларни хис этган ҳолда сидқидилдан ҳарбий хизматни ўташи, давлат мулкларини асраб авайлашлари, амалдаги қонунчиликка нисбатан бўлган ҳурмат эҳтиромлари билан фуқаролар ва ёшларга ўрнак бўлиши, ҳарбий интизомлар, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариши армиямизда юксак ҳарбий интизомни яратишимизга ва содир этилаётган ёки содир этилишига суиқасд қилинаётган низомга зид муносабатлар, жиноятларни олдини олишдаги ишларимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади деб ўйлайман.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари

REFERENCES.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 й.
2. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.
3. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.
4. Ўзбекстон юридик энциклопедияси. 2009 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари.